

5311000 – Технологик
жараёнларни
автоматлаштириш ва
бошкариш (сув хўжалигида)

**Технологик жараёнларни ишлаб чиқариш
ва автоматик бошкариш мутахассислиги**
1-босқич

Маъruzachi :доц.Газиева Р.Т.



*МАВЗУ- 5: Гидротехника
и шоотларида
диспетчерлик хизмати*

*Фанинг ўқитиши технологияси
Маъruzani олиб бории технологияси
Мавзу: №2 Гидротехника иншоотларида диспетчерлик хизмати*

| | |
|---|--|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони 6 нафар |
| Машгулот шакли | Информацион – кўргазмали маъруза |
| Маъруза режаси | <p>1.Гидротехника иншоотларида диспетчерлик хизмати хакида маълумот</p> <p>2.Гидротехника иншоотларида сув таксимлаш ишлари</p> <p>3. Гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ва бехатар ишлашини назорат қилиш (кузатиш) ишлари.</p> |
| Машгулотнинг мақсади: «Гидротехника иншоотларини техник ҳолатини назорат қилиш (кузатиш) ишлари назорат – ўлчов асбоб (НЎА)ларини тайёрлаш ва уларни шаҳодатлаш, кузатиш журналларини тутиш ҳамда бевосита кузатишларни олиб боришдан иборатdir» | |
| Педагогик вазифалар | Ўқув фаолияти натижалари: |
| <ul style="list-style-type: none"> - Гидротехника иншоотларида диспетчерлик хизмати билан танишиш; -Гидротехника иншоотларида сув таксимлаш ишлари таснифини бериш; - Гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ва бехатар ишлашини назорат қилиш (кузатиш) ишларини тушунтириш. | <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Гидротехника иншоотларида диспетчерлик хизмати курсатадилар; - Гидротехника иншоотларида сув таксимлаш ишларини -Гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ва бехатар ишлашини назорат қилиш (кузатиш) ишларини айтиб берадилар. |
| Таълим усуллари | Маъруза, муаммоли вазиятлар усули, ақлий ҳужум. |
| Таълим шакли | Оммавий, жамоавий |
| Таълим воситалари | Маъруза матни, проектор, визуал материаллар, тақдимот |
| Таълим бериш шароити | Ахборот, техник воситалар билан жихозланган аудитория. |
| Мониторинг ва баҳолаш | Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш |


Маъruzанинг технологик картаси

| Машгулот боскичи, вақти | Фаолиятнинг мазмунни | |
|--|--|--|
| | ўқитувчи | Талаба |
| I-босқич. Мавзуга кириш. (20 минут) | <p>1.1. Маъruzанинг мавзусини эълон қиласди, ўкув машғулотининг мақсади ва натижаларини тушуниради</p> <p>1.2. Ҳар бир талабага мавзу бўйича тарқатма материалларни тарқатади</p> <p>1.3. Мавзу бўйича маъруза машғулотининг таянч иборалари ва маъруза режасига изоҳ беради. Мавзу юзасидан блиц-сўров усулида маълум бўлган тушунчаларни фаоллаштиради</p> | <p>Мавзу номини ёзib оладилар</p> <p>Тарқатмалардан фойдаланади</p> <p>ЎУМ га карайдилар. Ўз фикрини эркин намоён этади</p> |
| II-босқич. Асосий (50 минут) | <p>Акний хужм. Утган мавзу бўйича савол, жавоб, билимларни фаоллаштиради.</p> <p>1. Гидротехника иншоотларида диспетчерлик хизмати ҳакида тушунча беринг?</p> <p>Ўкув машғулотининг биринчи саволи бўйича Гидротехника иншоотларида диспетчерлик хизмати кисмини ёритиб бериш, слайдлар орқали таҳлил қиласди. Талабаларни мулоҳазага тортиш мақсадида уларга саволлар билан мурожаат қиласди.</p> <p>3. ГТИ техник ҳолатини назорат қилиши (кузатиш) тушунтириб бериш ?</p> <p>Талабаларнинг фикрлари тингланиб, биринчи режа умумлаштирилади.</p> <p>2.2. -- Гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ва бехатар ишлашини назорат қилиш (кузатиш) ишларини таснифини бериш</p> <p>слайдлар орқали тушунтирилади. Ҳар бир саволни калит сўзлар орқали умумлаштириб беради. Баъзи бир калит сўзларнинг моҳиятини «Кластер» усулидан фойдаланилган ҳолда ёритиб беради.</p> <p>2.3. Мавзу юзасидан учинчи саволни яъни - Гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ва бехатар ишлашини назорат қилиш (кузатиш) ишлари.</p> <p>унда қилинадиган ишлар тафсилотини тўла ёритиб беради талабалар фикрларини тинглаб, кўшимча қиласди. Шу тариқа учинчи саволни умумлаштириб, холосалайди</p> <p>2.5. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади</p> | <p>Ёзадилар. Тинглайдилар. Саволларни муҳокама килиб, уларга жавоб беради.</p> <p>Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, ёзив боради. Кластер тузадилар</p> <p>Жуфт-жуфт бўлиб, жадвални тўлдирадилар.</p> <p>Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама киладилар.</p> |
| III-босқич. Якуний босқич. (10 минут) | <p>3.1. Маърузада қилинган ҳар бир савол қандай ҳал қилинганлиги тўғрисида умумий якуний холоса беради</p> <p>3.2. Талабаларнинг билим ва кўнижмалари баҳоланади</p> <p>3.3. Келгуси машғулотта тайёргарлик кўриш бўйича топшириклар ва фойдаланилдиган адабиётлар тавсия этилади</p> | <p>Эшигади.</p> <p>Ўзини қизиқтирган саволларни беради</p> <p>Эшигади ва ЎУМ га карайдилар</p> |

РЕЖА;

- 1. Гидротехника иншоотларида диспетчерлик хизмати ҳакида маълумот**
- 2. Гидротехника иншоотларида сув тақсимлаш ишлари**
- 3. Гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ва бехатар ишлашини назорат қилиш (кузатиш) ишлари.**

Кластер: Гидротехника инжинирингінде диспетчерлік хизмати



Гидротехника иншоотларида юқори техникиңисодий күрсаткычларга эришиш учун алоқа техника воситалари, сигнализация, телемеханика ва автоматика ёрдамида ишлаб чиқариши назорат қилиш ва бошқаришни марказлаштириш ва координациялаш мақсадида ҳар бир сув хұжалиги, энергетика тизимида диспетчерлик хизмати ташкил қилинган. Улар замонавий диспетчерлик алоқаси, пульти билан таъминланған, диспетчерлик пунктлари ташкил қилинган

Диспетчерлик пульти - бу гидротехника иншоотлари башқарилиб туриладиган қурилма. У иншоотлар ҳолати ҳақида маълумотларни тўплайд ва улар асосида диспетчер қабул қилган қарорларн иншоотларга узатади, иншоотларда сув тақимлаш ишларини амалга оширади. Диспетчерлик пульти назорат-ўлчов асбоблари, комитация аппаратлари иншоотларни жойлашуви, уларда назорат-ўлчов асбобларини жойлашуви акс эттирилган схемалар сув тақсимлаш графиклари, назорат ишлари, техник қаров, таъмирлаш ишлари график (режа) лари, телефон ва телетайп, телеўлчов аппаратларидан тузилади. Иншоотлар затворларини кўтаргичлари, затворлар ҳолатини, сув олиш ва тақсимлашни дистанцион бошқаруви диспетчерлик пульти ёрдамида амалга оширилади.

Сув тақсимлаш ишлари фақат сув хўжалиги ташкилотларида амалга оширилади, унинг тартиби қуидагига бўлади:

1.(Фермер, дехқон) хўжаликларининг сувдан фойдаланиш режалари (СФР)ни сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) худуди бўйича тузишда қатнашилади ҳамда СФУ хўжаликларида қуидаги керакли меъёрий ҳужатлар бўлишига эришилади:

а) СФУ хизмат кўрсатадиган ернинг (харитаси) режаси, унда ҳар бир фермер (дехқон) хўжаликларнинг чегаралари, хўжаликларни суғориш ички тармоқлари, суғориш участкаларининг тартиб рақамлари, коллектор–дренаж тизими (КДТ) ва сув ташлаш тармоғи, сув олиш нуқталари, гидротехник иншоотлари, гидропостлар, йўллар, ўрмон – дарахтзорлар кўрсатилган бўлиши керак

б) Суғориладиган ернинг экин майдонлари ва гидромодул худуди кўрсатилган ҳамда туман ҳокимиятидан тасдиқлатиб олинган режаси;

в) Гидромодул худудлари бўйича экинларни суғориш тартиби (режими):

2. СФУ томонидан хизмат кўрсатиладиган хўжаликлар учун тузилган (сув тақсимлаш нуқталари бўйича) СФРни туманлар ҳокимиятларидан тасдиқлатиб олинади;

3. Туман (туманлараро) сувдан фойдаланиш жамланма режаси ишлаб чиқилади, сўнг Бошгидромет (ёки уни жойлардаги ташкилотлари)дан СФР тузилаётган йил учун сув манбасининг тартиби (режими) олинади;

4. Суғориш тармоғининг (ўтган йилларда ўлчаб олинган ёки бошқа усулларда аниқланган) фойдали иш коэффициентини инобатта олинади.

Кузатиш ишларини натижалари бўйича бъефлардаги сув сатҳларини ўзгариш графиги, иншоотлардаги баландлик маркаларини вақт бўйича чўкиш графиклари, ҳарактерли створ (кесим)ларни чўкиш профиллари, депрессия эгри чизиғини ўзгариш графиги, маҳаллий ювилишларни (геологиясини кўрсатиб) бўйлама ва кўндаланг профиллари, ювилиш ва лойка чўкишини горизонталлар орқали кўрсатилган плани (режаси), сув омборида лойка чўкишини бир бирини устига туширилган профиллари, вақт бўйича сув сарфини ўзгариши графиги, сувни уюрма(водоворот)си планлари, транзит оқимларни планлари, ҳарактерли створлардаги тезликлар эпюралари,
(вақт бўйича) чокларни очилиши графиклари ва лойиха бўйича бошқа шуларга ўхшаш графиклар чизилади.

Иншоотларни мўътадил ишлатиш нуќтаи назаридан келиб чиқиб барча ўлчамларни лойихага нисбатан ўзгариши таҳлил қилинади, иншоотларни ишончли ишлаши (оценка надёжности) баҳоланади, таъмирлаш – тиклаш, қайта қуриш ишларини амалга ошириш бўйича тавсиялар берилади;

Кузатиш ишлари натижалари бўйича ҳисбот тузилади, у йиллик эксплуатацион тадбирлар ҳисботига киритилади ва унга барча графиклар ва таҳлиллар, таклиф ва тавсиялар илова қилинади